

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди 2025 йил декабрь ойининг 18 куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Л.Қодирқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Худойқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Дўстлик туман прокурори С.Раззаков, судланувчи О.Х ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Низомов, жабрланувчи Н.Ботироваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган,

Х.О.Х (Х.О.Х) - 1984 йил 10 июль куни Жиззах шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, муқаддам 2023 йил 29 августда жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ҳукми билан ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган, 2024 йил 16 февралда жиноят ишлари бўйича Ш.Рашидов туман судининг ажримига билан жазодан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган;

2025 йил 14 октябрда жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ажрими билан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатилган, [REDACTED]

[REDACTED], иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 26 ноябрь куни олганга

нисбатан 1-1306-2501/118-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, О.Х алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини текинга қўлга киритиб, ноқонуний равишда бойлик ортириш мақсадида, 2025 йил 25 июль куни ўзига олдиндан таниш бўлмаган, Дўстлик тумани, Боғзор МФЙ, Бобир кўчаси 17/1-уйда яшовчи Ботирова Наргиза Олим қизига



аслида бундай ваколоти бўлмаса-да, гўёки ўзида бу каби ваколатлари бордек кўрсатиб, ҳали фольоти тикланмаган автомактабнинг тез орада тикланишини, сўнгра, 10 кунда ушбу автомактабда таҳсил олганлигини тасдиқловчи гувоҳномани расмийлаштириб беришини, шу сабабли, олдиндан тўлов қилиши кераклигини айтиб алдаб, Н.О.Ботировадан 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдоридаги пулларни ноқонуний равишда олиб, мазкур пулларни ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Суд мажлисида айбланган О.Х ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Ботирова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, судланувчи О.Хга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Ботирова ва судланувчи О.Хнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва адвокатнинг фикрини эшитиб, айбланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчи Н.Ботировога етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчи бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, О.Хга нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ҳамда судланувчи О.Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини суднинг ажрими қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Н.Ботировога Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган **Х.О.Х** (Х.О.Х)га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Н.Ботировага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи О.Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини суднинг ажрими қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон ўн сутка ичида апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Л.Қодиркулов

